



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 25 февраль, № 40 (5207)

Жума

ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ ВА САМАРАДОРЛИК

Амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар мамлакат тараққиёти ва эл фаровонлигига хизмат қилади.



Ислохот

Республикада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини жадал янгилашга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш уқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим

устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ушбу масалага тўхталар экан, 2011 йилда иқтисодийга жалб этиладиган барча инвестицияларнинг 36,4 фоиздан ортигини саноатни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини амалга оширишга йўналтириш кўзда тутиладиганини алоҳида қайд этиб ўтди.

Зеро, бундай ислохотлар ички бозорни импорт ўрнини босувчи сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш баро-

бариди, мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг юксалишига асос бўлаётгани билан аҳамиятлидир. Сурхондарё вилоятида иш юри-

таётган "Жарқўрғоннефқайтаиш-лаш" кўшма корхонаси ҳам ана шундай технологик янгиланишлар самараси ўларок, ўз фаолиятини

тобора кенгайтириб бормоқда. Хусусан, модернизация тадбирлари натижасида бу ерда қисқа муддатда вилоятда қазиб

олинаётган хом ашёни қайта ишлаш қувватлари ўзлаштирилди.

(Давоми 2-бетда).

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг ўзига хос географик ўрни, портларга ва йирик транспорт узелларига чиқиш имконияти йўқлиги туфайли транспорт тармоқлари ва коммуникацияларини ривожлантириш масалалари устувор, стратегик, ҳаётий муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ ҲУҚУҚИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Халқаро транспорт ҳуқуқи нормаларини кўллаш соҳасида илмий-амалий таҳриба алмашиш, шунингдек, бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсади-

ҳамкорлик жамғармаси билан биргаликда ўтказилди. Семинарда қайд этилганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда транспорт соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш-

да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-си Сенатида "Ўзбекистонда халқаро транспорт ҳуқуқи: ҳолати ва истиқболлари" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбир парламент юқори палатасининг Ташқи сўбат масалалари, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Германия Федератив Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқ соҳасида халқаро

га доир зарур ҳуқуқий асос яратилди. Хусусан, "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги, "Автомобиль транспорти тўғрисида"ги, "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва соҳага доир бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси транспортда ташишга оид қарий 150 та халқаро шартномани имзолаган, 25 та конвенцияга ва 112 та бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилган.

(Давоми 2-бетда).

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА

САМАРҚАНДда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришга доир ўқув-семинар ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда Парламент олдида турган вазифалар, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Парламент назоратини кучайтириш, қабул қилинаётган қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш ва уни такомиллаштиришда маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлики мустақамлаш долзарб аҳамият касб этаяпти. Сенатнинг маҳаллий вакиллик органлари фаолияти-

ни кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари Ташкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашларида ушбу комиссияга ёрдам берувчи ишчи гуруҳлари тузилган. Комиссия олдида вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, доимий комиссиялари томонидан қонунлар ижроси назоратини олиб бориш, дастурлар ижросини таъминлаш, депутатлик сўровини уюштириш, Кенгаш сессияларида масалалар кеситилишига кўмаклашувчи вазифаси кўйилган.

Мазкур комиссия ва ишчи гуруҳнинг бу галги ўқув-семинарида Самарқанд вилояти, шаҳар ва туманлари Кенгашлари депутатлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

Мелиорация: ЗАМИНГА МЕҲР, ҲОСИЛГА БАРАКА

Давлатимиз раҳбари 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш уқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Бу йўналишдаги ишларнинг кўлами йил сайин кенгайиб бораётганига қарамадан, мавжуд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати катта ташвиш уйғотаётганлиги, ҳозирги вақтда юртимизда жами суғориладиган ерларнинг қарийб 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, бунинг қарийб 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлар эканлигини қайд этди.


Шуни ҳисобга олиб, республикада ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга йўналтирилаётган инвестиция-

лар ҳажми йилдан-йилга кўпайтирилмоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоятида ушбу мақсадлар учун ажратилаёт-

Фармон ва ижро

ган маблағлардан оқилона фойдаланиш, мелиорация соҳасига замонавий технологиялар ва техникаларни жорий этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилаётди.

Хисор тоғ тизмаларидан бошланган катта-кичик дарёлар, Амударё сувини олдида насос станцияси кучи



МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Кўшкўпирнинг ширмой нонлари

ХОРАЗМ. Кўшкўпирлик тадбиркор Равшан Жуманиёзов нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Янги Кўшкўпир" корхонасини ташкил этди.

Бунинг учун у банк кредити ҳамда ўз маблағи ҳисобидан 35 миллион сўм сарфлади. Ҳозир 6 киши меҳнат қилаёт-

ган корхонада замонавий технологиялар ёрдамида кунига бир тоннадан ортқ маҳсулот тайёрланмоқда.

Айтиш жоизки, 2010 йили туманда тадбиркорлар томонидан 4 миллиард 200 миллион сўмликдан ортқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маҳсулотлар тури кўпайди

АНДИЖОН. Балиқчи туманидаги спорт жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Хўжаобод" масъулияти чекланган жамиятида сумкалар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Натижада бу ерда ўндан ортқ янги иш ўринлари яратилди. Корхона жамоаси ўтган йилда таълим даргоҳлари ҳамда спорт мажмуаларига 2 миллиард 866 миллион сўмлик жиҳозлар етказиб берди.

Эътироф этуш керакки, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъект-

лари фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани натижасида 2010 йилда уларнинг янги ҳудудий маҳсулотдаги улуши 54,7 фоизни ташкил қилди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Аҳолига манзур мебеллар

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Амударё туманилик тадбиркор Ражаб Матсафоев ташаббуси билан уй-рўзгор жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бунинг учун тадбиркор банкнинг 12 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланди. Ҳозир у раҳбарлик қилаётган "Сардор чингирик" масъулияти чекланган жамиятида дастлабки 66 миллион сўмлик яқин маҳсулот ишлаб чиқарилиб, худуддаги савдо шохобчаларига етказиб берилди.

Таъкидлаш керакки, туманда 2010 йилда мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар томонидан 31 миллиард 861 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Хизматидан эл мамнун

НАВОЙЙ шаҳрида "Моҳинур" маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Ушбу иншоотни ишга туширишда тадбиркор Бахтиёр Жумаев банкнинг 50 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланди. Ҳозир 12 киши меҳнат қилаётган мажмуада тикувчилик цехи, матбаачилик хизмати, сартарошхона каби ўнга яқин хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритмоқда.

Худудда ўтган йили аҳолига 113,5 миллиард сўмлик маиший хизматлар кўрсатилгани, айниқса, эътиборга молик.

Х. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

"БУХОРОЭНЕРГОМАРКАЗ" очик акциядорлик жамияти раҳбари Фазиiddин Атоев Европа ишбилармонлари ассамблеяси томонидан "Пальмира Юлдузи" халқаро мукофотиغا лойиқ топилди.

Ҳамюртимиз халқаро мукофот совриндори

Жамоанинг вилоятдаги қатор корхона ва ташкилотлар ҳамда хонадонларни иссиқлик билан таъминлашни йўлга қўйгани, энергия ресурслардан тежамли фойдаланиш борасидаги ибратли

ишлари ана шундай эътирофга сазовор бўлди. Ҳамюртимиз шу йилнинг март ойда мукобил энергиядан фойдаланиш, илгор технологияларни жорий этиш масалаларига бағиш-

лаб Лондонда бўлиб ўтадиган "Энергетика саммити — 2011" халқаро анжуманига ҳам тақдиф этилди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ФИДОЙИ ЎҒЛОНЛАР ФАХРИМИЗ, ФУРУРИМИЗ

Ҳарбий соҳадаги ислохотлар, хусусан, муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилангани, чақирувнинг йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик чақирув-резерв хиз-

— Саккизинчи ўғлимни муддатли ҳарбий хизматга кузатаяман, — дейди Чортоқ тумани, Пешқўрғон қишлоғи фуқароси Қодиржон ота Деҳқонов. — Акаларидан ўрнак олган кенжатоимимнинг Ватан олдидаги шарафли бурчини аёло даражада уддалаб қайтишига ишончим комил.

Муқаддас бурч

— Бугун матининг жорий этилгани, айтиш керакки, миллий армиямиз обрў-эътибори, жанговар имкониятларини янада оширди. Мухими, мустақил ҳаётга қадам ташлаётган йигитларнинг аскарликка бўлган ҳаваси ортиб, армия улар учун ҳақиқий чиниқш мактабига айланди. Бу маросимга тўпаланган вилоят хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ва ота-оналар олдида саф тортиб турган норғул йигитларнинг кўтаринки кайфияти, дадил қарашларидан ҳам яққол сезилиб турибди. Улар чақирикқа қадр билим ва жисмоний етуклик жиҳатидан муайян синовлардан ўтишган. Кўпчилиги мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг ўқув курсларида турмушда ҳам, аскарликда ҳам бирдай асқотадиган касбларни эгаллашган.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ ҲУҚУҚИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, транспорт тармоқлари ва коммуникацияларини модернизация қилишда халқаро ҳамкорликни изчил ривожлантириб бориш, шунингдек, мамлакатимизнинг ўз транзит-транспорт салоҳиятини рўйбга чиқариш зарурати миллий транспорт қончилигини хорижий тажрибани ўрганиш асосида янада такомиллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда замонавий транспорт коммуникация тизимини яратиш, халқаро аҳамиятга молик автомобиль ва темир йўлларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Бунда асосий эътибор мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган халқаро транспорт йўлакларини ривожлантиришга қаратилмоқда. Ҳозир биргина халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари узунлиги қарийб 4 минг километрга етгани, давлат аҳамиятга молик автомобиль йўллари узунлиги эса 14 минг километрдан ошгани эътиборлидир.

Айни пайтда Ўзбекистон халқ

қаро ташкилотлар томонидан миллий транспорт коммуникацияларини такомиллаштириш ва халқаро транспорт тизимларига интеграциялаш бўйича ишлаб чиқилган бир қатор дастурларнинг фаол иштирокчиси-дир. Мамлакатимизни Афғонистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркманистон билан боғлайдиган "Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнов" А 380-автомобиль йўлининг 220 километрини реконструкция қилиш лойиҳасини молиялаш учун Осиё тараққиёт банки томонидан 600 млн. АКШ доллари миқдорига маблағ ажратилганлиги Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш жараёнидаги муҳим роли тан олинганлигини даъво қилиш мумкин. "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК мутахассислари томонидан "Хайратон — Мозори Шариф" темир йўли қурилиши тамомланганлиги минтақада мутлақо янги геоиқтисодий вазиятни вужудга келтирди.

Семинарда сўзга чиққан Германия Федератив Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Хуқуқ соҳасида халқаро ҳамкорлик жамғармаси экспертлари халқаро транспорт ҳуқуқи нормаларини эркин иқтисодий зоналарда қўллаш, шунингдек,

халқаро транспорт йўлакларини соҳасидаги Германия тажрибаси билан таништиришдан ташқари, Ўзбекистонда транспорт коммуникациялари соҳасидаги миллий қонунлар изчил ривожланиб бораётганлигини, бу ҳужжатлар ушбу соҳада амал қилиб турган халқаро нормаларнинг талабларига тўла мос эканлигини ҳам айтиб ўтдилар.

Тадбир қатнашчилари миллий ва халқаро транспорт ҳуқуқини, бу соҳадаги хорижий мамлакатлар қончилигини, халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ривожлантириш, уларни қўллашга, транспорт ҳуқуқини такомиллаштиришга қаратилган ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш бўйича батафсил тажриба алмашдилар.

Семинарда транспорт ҳуқуқидан фойдаланиш, барқарор тараққиётимиз учун стратегик аҳамиятга молик бўлган халқаро транспорт йўлакларининг ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтайдиган транспорт йўлакларининг рақобатбардошлиги ҳамда жозибдорлигини оширишга доир қонунчиликни янада такомиллаштириш соҳасидаги ҳуқуқий ва институциявий вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни



амалга ошириш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Шундай семинар 23 февралда "Навий" эркин индустриал-иқтисодий зонасининг бизнес марказида ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир қатнашчилари ва халқаро экспертлар, шунингдек, халқаро андозадаги тўлақонли транспорт-коммуникация маркази бўлган "Навий" эркин индустриал-иқтисодий зонасини ташкил этиш ва фаолият юртиши учун зарур норматив-ҳуқуқий ва моддий-техникавий базани, ташкилий шарт-шароитларни яратиш борасида гоёат қисқа муддатда амалга оширилган ишлар натижалари билан танишиш имконига эга бўдилар.

Семинарлар ишида сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг, олий ўқув юртлари ҳамда илмий марказларнинг вакиллари, ГФР Адлия вазирлиги ҳузуридаги Хуқуқ соҳасида халқаро ҳамкорлик жамғармаси, БМТ Тараққиёт дастури мутахассислари ва экспертлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Яхши хабарлар

Бухоро туманидаги "Росстекстрой" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури яна иккитага кўпайди.

Сармоянинг қайтбахш натижаси

Яъни бу ерда эркаклар ва аёллар учун халатлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 30 миллион сўмлик сармоя сарфланди. Натижада қўшмадан 17 та иш ўрни яратилди. Эътиборлики, 44 киши меҳнат қилаётган корхона жамоаси ўтган йили хорижий буюртмачиларга 400 минг АКШ долларли маҳсулот етказиб берди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фермернинг ташаббуси

Урганч туманидаги "Баҳром" фермер хўжалиги қошида кунга икки тонна сутни қайта ишлайдиган янги технология линия ишга туширилди.

Ушбу лойиҳани молиялаштиришда банкнинг 115 миллион сўмлик кредити ҳамда хўжаликнинг ўз маблағидан фойдаланилди. Ҳозир мазкур корхонада 6 турдаги сут маҳсулотлари тайёрланиб, ички бозорга йўналтирилмоқда.

Айтиш керакики, 2010 йилда туманда 17 миллиард 600 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиди. Бунинг салмоқли қисми фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Саломатлик

бўлди. Мутахассисларнинг эътирофича, бундай муолажадан сўнг хасталик қайталанмас экан.

Анжуман иштирокчилари соҳадаги юқори технология услуб — ангиография, яъни томирлар ички ҳолатини ўрганиш амалиёти йўлга қўйилганини ва бу борада соҳа мутахассислари ҳамда жаҳон таъбиҳида эришилаётган энг сўнгги ютуқлар ҳақида алоҳида тўхтадилар. Тадбирда мамлакатимиз ва дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, кардиология соҳасидаги муваффақиятлар ҳамда келгусидаги вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

Мелиорация: ЗАМИНГА МЕҲР, ҲОСИЛГА БАРАКА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳани ривожлантиришнинг янги bosқичини бошлаб берди. Ушбу Фармонга асосан, вилоятнинг Муборак ва Нишон туманларида коллектор ҳамда дренаж тизимини тиклаш туфайли тупроқ унумдорлиги яхшиланиб, ҳосилдорлик пахтачиликда 2-2,5 центнерга, галлачиликда эса 6-7 центнерга ошди.

2008 — 2010 йилларда зовурларни қуриш, реконструкция қилиш ва тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича 79 та лойиҳа амалга оширилиб, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан 27 миллиард 912 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Мазкур сармоя ҳисобига 18 та лойиҳа асосида 188,1 километрик янги зовур қуриш ва реконструкция қилиш, 67 та лойиҳа бўйича 2100 километр узунликдаги очик зовурларни тозалаш ва ёпиқ-ётиқ дренажларни ювиш, ўнлаб кузатув қудуқлари, қувурли ўтиш жойлари ҳамда гидропостлар, 250 та тик мелиоратив қудуғини таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ушбу тадбирлар натижасида вилоятдаги 30276 гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, ҳосилдорлик сезиларли даражада ошди.

— Сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши ва тупроқнинг шўрланиши даражаси бўйича аниқланган мелиоратив кадастр маълумотларига кўра, ҳозирги кунда вилоятдаги 515840 гектар суғориладиган майдоннинг 52 фоизи ёки 269940 гектарини

мелиоратив ҳолати яхши, 43 фоизи ёки 220800 гектарини қоникорли, 5 фоизи ёки 25100 гектарини эса қоникорсиз майдонлар ташкил этади, — дейди "Аму-Қашқадарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология мелиоратив экспедицияси бошлиғи Ҳалим Парманов. — Юртбошимизнинг 2008 йил 19 мартда имзоланган "2008 — 2012 йилларда даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида"ги қароридан амалга ошириладиган тадбирлар, унда иштирок этувчи ташкилотларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш бўйича рўйбга чиқариладиган ишлар аниқ белгилаб берилган. Мазкур дастурга мувофиқ, шу давр мобайнида вилоятимизда мавжуд мелиорация объектларини реконструкция қилиш ва янгиликларни қуриш ҳамда тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари учун ўртача 70 миллиард сўмга яқин маблағ сарфлаш, 4,5 минг километрдан зиёд узунликдаги зовурларда тизимли таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Ҳозирги кунда барча майдонларда бу борадаги ишлар жадал олиб бориляпти. Хусусан, 62 километр узунликдаги туманлараро "Сечанкўл" зовурида янги зовур қазих ва реконструкция ишлари бажарилди. Жойларда амалга оширилаётган ишларга 120 дан ортиқ экскаватор, қўллаб бошқа техника воситалари жалб этилган. Шу жумладан, "Узмелиомашизинг" давлат лизинг компанияси кўмағида лизинг асосида харид қилинган 26 та янги экскаватор, жаҳон банки кредити ҳисобига Япониядан келтирилган "Hitachi — 20X" русумли экскаваторлардан унумли фойдаланилмоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимизда юрак-қон томир хасталикларини ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни қўллаш самараларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Кардиологлар уюшмаси, Ихтисослаштирилган кардиология маркази ҳамда Тюмень кардиология маркази (Россия) ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда олимлар, тадқиқотчилар, амалиётчи шифокорлар, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари А. Комилов, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази раҳбари Р. Курбанов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларининг ташкил этилиши

кардиология марказининг бунёд этилиши ҳам ана шу изчил ислохотлар самарасидир.

Сўнгги йилларда жаҳон-

Кардиология: ЯНГИ УФҚЛАР САРИ

эл саломатлиги муҳофазаси йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижаси эканлигини алоҳида таъкидладилар. Айниқса, аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатувчи тизим ташкил қилингани ва улар таламли кадрлар билан таъминланиб, энг замонавий тиббий ускуналар билан жиловланганлиги соҳада хизмат қўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Республика ихтисослаштирилган

нинг бир қатор ривожланган давлатлари билан ҳамкорлик юрак хасталикларини малакали ташхислаш ва даволашда яхши самаралар бермоқда. Ана шу сазй-харакатлар самараси ўлароқ, хорижий мутахассислар билан бирга-лиқда 2008 йили Марказий Осиёда илк бор аритмиянинг айрим турларини тиргиз даволаш амалиёти тизимиз тиббиётда қўлланилди. Натижада қисқа вақт оралиғида 65 нафар бемор дарддан бутунлай фориг

ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ ВА САМАРАДОРЛИК

Амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар мамлакат тараққиёти ва эл фаровонлигига хизмат қилади.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Пировардиди ўтган йили 100 минг тоннадан зиёд маҳсулот қайта ишланди.

Бинобарин, ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсиб, мавжуд технологияларни кенгайтириш ҳисобига касаначилик

асосида 18 та иш ўрни яратилди.

— Бу ерда биз, ёшларга кўрсатилаётган гамхўрлик ва эътибордан нихоятда

мамнунимиз, — дейди корхона мутахассиси Азиз Файзиев. — 450 кишилик жамоанинг аксариятини тенгдошларим ташкил этади. Мураккаб технологияларни бошқаришдан тортиб, пайвандлаш, темирчилик каби касбларни ҳам ўрганиб олдик. Мен ўз касбимдан, шундай замонавий корхонада ишлаётганимдан фахрланаман.

Ҳозир корхонада бензин, дизель ва печь ёнилгиси, йўл қурилишида ишлатиладиган битум хом ашёси тайёрланмоқда. Мажмуа бошлиғи Отабек Диловнинг айтишича, жорий йилда корхонада янги турдаги маҳсулотлар етиштириш ҳам йўлга қўйилди. Бу эса қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятдан лавҳалар. Шомурот ШАРАПОВ олган сураатлар.

Давлат дастури доирасида, аввало, ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра, вилоятда фаолият юритаётган сув хўжалиги ва мелиорация ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналари томонидан 2008 — 2010 йилларда 5 миллион 100 миллион сўмлик замонавий техника воситалари сотиб олинди. Натижада давлат унитар корхоналарининг техника парки 26 та экскаватор, 4 та бульдозер ва 24 та бошқа мелиоратив механизм билан бойитилди. Бу эса ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича белгиланган тадбирлар қўламини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятлари институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги иштирокчиликни кучайтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Буни маҳаллаларнинг ижтимоий ҳаётимизда тугган ўрни ошиб, улар ҳудудда ташкил этилган милиция таянч пунктлари инфратузилмаси тобора такомиллашиб бораётгани мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

Хусусан, милиция таянч пунктлари фаолиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги "Ижтимоий кўнума марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этаётди. Унда таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш вазифаси белгилаб берилган бўлиб, ўтган давр мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакатимиздаги

3 мингдан ортиқ милиция таянч пункти атрофида спорт майдончалари барпо этилди. Ҳозир бу майдончалар ёшларни чиқариштириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қўл келмоқда. Шу билан бирга, 2,5 мингдан зиёд милиция таянч пункти қошида хунармандчилик тўғрисида, яна шунчасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, тезкор-криминоген ва ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш миллия таянч пунктлари профиллактика инспекторларининг асосий вазифаларидан ҳисоблана-

дан ортиқ маҳаллада жиноят қайд этилмади. Айни чоғда ёшлар жиноятчилиги ўтган йили 2009 йилдагига нисбатан 3,9 фоиз камайишига эришилди.

Ана шундай намунали милиция таянч пунктлари сони тобора кўпайиб бораётгани қувонарлидир. Қибрай туманидаги Кўприк-боши маҳалласида жойлашган 152-милиция таянч пункти хусусида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин. Бу ерда профилактика инспекторлари ҳамда маҳалла фаоллари ҳамда аҳоли сазй-харакати билан "Хумо" болалар ва ўсмирлар соғломлаштириш спорт мажмуаси ишга туширилди. Ҳозир ушбу мажмуада маҳалла ёшлари спортнинг карате, миллий кураш, бокс, дзюдо, гимнастика каби турлари билан мунтазам шугулланишмоқда. Мазкур милиция таянч пунктининг бундай сазй-

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси Х. Разақов мамлакатнинг демократик янгилаш ҳамда модернизация қилишда Олий Мажлис Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини янада кучайтириш масалалари ҳақида сўз юритди.

Тадбирда Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишлар ва уларнинг мазмун-моҳияти бўйича депутатлар, вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари-нинг маърузалари тингланди.

Ўқув давомида Инқирозга қарши чоралар дастури ҳамда бошқа Давлат ва ҳудудий дастурларининг ижросини таъминлаш борасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди.

Ўқув-семинарда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Семинарда Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаев иштирок этди.

Ғ. ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

НАМАНГАНДА Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.

Мамлакатимизда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган ва кенг ўрганилаётган тараққиёт йўлининг "Ўзбек модели" асосида демократик фуқаролик жамияти барпо этиш жараёни изчил давом этмоқда.

Семинарда Президентимиз раҳнамолигида ушбу йўналишда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида батафсил сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитасида доимий ишловчи сенатор Х. Каримов ва бошқалар давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган кўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги таъбирлар маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган маҳалласидаги маърузаларида белгилаб берилган муҳим вазифаларнинг ижросини таъминлашда депутатларнинг ўрни хусусида сўзланди.

Тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ўрни, Олий

Мажлис Сенати билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамкорлигини кучайтириш, Инқирозга қарши чоралар дастури, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини бажариш борасидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Мамлакатимиз мустақиллик йилларида асларга татигулик тараққиёт йўлини босиб ўтди, — дейди Наманган давлат университети жаҳон тарихи кафедраси доценти Бахтиёр Исҳоқов. — Бугун буни дунё тан олиб, эътироф этиб турибди. Эришилган ютуқларимизни мустаҳкамлаш, янада ривожлантириш, ҳар бир фуқарода ушбу жараёнда дахлдорлик ҳиссини кучайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу вазифалар Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги таъбирлар маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган маҳалласидаги маърузаларида белгилаб берилган муҳим вазифаларнинг ижросини таъминлашда депутатларнинг ўрни хусусида сўзланди.

Тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ўрни, Олий

А. САТТОВОВ, ЎЗА мухбири.

Маккажўхоридан ширинлик

Бекобод шаҳридаги "Ширин-орзу-қувонч" масъуляти чекланган жамиятида замонавий технология асосида маккажўхоридан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Интилиш

Экологик тоза, шифобахш бўлган ушбу ширинликларга талаб ортиб бормоқда. Корхона жамоаси қисқа вақт оралиғида вилоятдаги ўндан зиёд улгуржи савдо ташкилотларига 26 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

ОСОЙИШТАЛИК ТАЯНЧИ

Жараён

ди. Шу боис улар томонидан бу борада учрашув ва тарғибот-тушунтириш ишлари изчил олиб борилмоқда. Масалан, бултур милиция таянч пунктлари томонидан тегишли идоралар ҳамкорлигида 123 мингдан зиёд учрашув ўтказилди. Мазкур тадбирларда жиноятчилик, тийёвандлик, диний экстремизмнинг салбий оқибатлари кенг тушунтирилди. Бу сазй-харакатлар пировардиди ахши самара бераётди. Яъни 2010 йили юртимиздаги 2 минг-

Улукбек ТУЙМАНБЕКОВ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси матбуот котиби, подполковник.



Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, ўтган йили мамлакатимиз банк-молия тизимида барқарор ривожланиш суръатлари таъминланди.

Банклар томонидан иқтисодийнинг реал секторига йўналтирилган маблағларнинг умумий ҳажми 35 фоизга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъект-

Жумладан, ҳозирги кунда Наманган вилоятида мазкур молия муассасасининг 8 та филиали ҳамда 18 та минибанки фаолият юритаётган бўлса, ўтган йили улар томо-

ятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифаларга кўра, миқдорларга маблағ ва хизматларимизни кам фоизда,



«ТАДБИРКОРЛАРГА КАМАРБАСТАМИЗ»

— дейишмоқда «Микрокредитбанк» ОАТБ Наманган вилояти филиали жамоаси

ларига ажратилган кредитларнинг миқдори эса 1,4 баробарга ортиб, 2 триллион 700 миллиард сўми ташкил этгани шундан dalolat беради. Жорий йилда эса ки-

нидан тадбиркорлик субъектларга 10 миллиард 529 миллион сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

— Ушбу кредитларнинг 7,2 миллиард сўми имтиёз-

имтиёзли шартларда тақдим этмоқдамиз. Бу, ўз навбатида, уларнинг фаолияти янада кенгайтиришга хизмат қилаётти.

Наманган шаҳридаги «Зиё

сида 36 ой муддатга 40 миллион сўм олган эдик, — дейди «Зиё савдо дизайн» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Х. Тўхтаназаров. — Ушбу маблағ эвазига корхонамиз учун замонавий ускуналар харид қилиб, уларни тўлиқ қувват билан ишга туширдик. Ҳозир аҳолига ҳар хил кийим-кечаклар етказиб бераёلمиз. Бу юмуш билан саккиз киши шуғулланмоқда.

Шу билан бирга, яқунланган йилда «Микрокредитбанк»нинг Наманган филиали жамоаси фермер хўжалиқларига 505,7 миллион сўмлик лизинг хизмати кўрсатиб, тадбиркор аёлларга 1,9 миллиард сўмлик, қишлоқ жойларда сервис хизматини ривожлантириш учун 890,6 миллион сўмлик, ёш оилаларга 898,2 миллион сўмлик микрокредитлар ҳамда 887,2 миллион сўмлик имтиёзли истеъмол кредит-

лари ажратган эди. Натижада фермерларнинг техника парки янгиланди, кўплаб объектлар фойдаланишга топширилди, ёшлар эса уй-жойларига жиҳозлар сотиб олишди.

— Маълумки, ҳозирги кунда юртимиз аҳолисининг қарийб ярмидан кўпроги

ёшлар бўлиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди М. Акрамшоев. — Бу, табиийки, уларга мамлакатимизнинг эртанги кун, тараққиёт йўлида меҳнат қилишлари, ўз иқтидор ва маҳоратларини намойён этишлари учун катта имкониятлар эшигини очмоқда. Президентимиз томонидан 2010 йил 28 июлда қабул қилинган «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармон бунинг яна бир амалий ифодасидир. Бу ҳужжат талабларини рўёбга чиқаришда биз ҳам фаол иштирок этаётганимиздан мамнунмиз. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш мақсадида ўтган йили филиалимиз томонидан 242,7 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич янада ортади.

Айни кунларда мазкур филиал жамоаси «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида «Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи» широри остида фаолият қўламини кенгайтириш, аҳоли ва хўжалиқ юртувчи субъектларга сифатли банк хизматлари кўрсатишни янада кучайтириш устида астойдил интилиб, тинимсиз ишланмоқда.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ. [Т]

ЖАҲОН 24 соат ичида

Савдода ижобий ўсиш

Ўтган йилнинг декабрь ойида жаҳон бўйича савдо ҳажми 15,1 фоизга ортган, дейилади «Рейтерс» ахборот агентлиги хабарига. Шу орқали инқирозга бўлган даврдаги кўрсаткичларга тенглашилди. Айтиш жоизки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли қатор давлатларда ялли ички маҳсулот миқдорининг сезиларли даражада камайиб кетиши халқаро миқёсда маҳсулот айланишига салбий таъсир ўтказган эди. Мутахассислар ушбу нохуш манзара аста-секин яхши томонга ўзгариб бораётганини юқоридаги мисолга асосланиб изоҳлашмоқда.

Ҳамкорликка таклиф

Буюк Британиянинг «Jaguar» ва «Land Rover» автомобилсозлик корхоналари Хитойнинг «Great Wall Motor» корхонаси билан ҳамкорликни йўлга қўймоқчи. Бунга айна пайтда Чин улқаси автомобиль бозори жадал суръатда ривожланиб бораётгани сабаб бўлган. Мисол учун, жорий йилнинг январь ойида Хитойда анги машиналар сотуви ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 16,2 фоизга ўсган. Яъни 1,5 миллион дунда автомобиль сотилган. «Jaguar» ва «Land Rover» корхоналари Хитойда, асосан, йўл талла-майидан русумлар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.



Қидирув-қутқарув давом этмоқда

Янги Зеландиянинг Крайстчерч шаҳрида кузатилган кучли зилзила оқибатида ҳалок бўлганлар сони 98 нафарга, жароҳатланганлар эса 2500 нафарга етди. «Бундан ташқари, 226 киши бедарак йўқолган», деди маҳаллий полиция вакили Дейв Клифф. Айни пайтда қутқарувчилар вайроналар остида қолиб кетган одамларни қидиришда давом этмоқда. Мамлакат бош вазири «Sky News» каналига берган интервьюсида қурбонлар сони бунданда кўп бўлиши мумкинлигини айтиб ўтган. Табиий офат келтирган иқтисодий зарар эса 12 млрд. АҚШ доллари дея баҳоланмоқда.

Молия муассасаларида



чик корхоналарга 1,3 баробар кўп кредит берилиши кўзда тутилмоқда.

Соҳа вакиллари молиявий қўллаб-қувватлаш борасида «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки ҳамда унинг жойлардаги филиалларида амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

ли тарзда ажратилган маблағлардир, — дейди Наманган вилояти филиали раҳбари Мирзакамол Акрамшоев. — Гап шундаки, бунда Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаоли-

савдо дизайн», «Экология Мега Проект» масъулияти чекланган жамиятлари, «Шоҳ Азиз тикувчи» хусусий корхонаси, Наманган туманидаги «Курилиш Эффект Мед Сервис» хусусий корхонаси фаолияти бунга мисол бўла олади.

— Ўтган йилнинг декабрида филиалдан лизинг асо-

Кинозаллар ва рекорд

2010 йилда дунё кино кассаларида пул жамғариш бўйича рекорд натижа қайд этилган.



Ўтган йили ушбу соҳадан 31,8 млрд. АҚШ доллари миқдорига маблағ ишлаб топилган. Бу 2009 йилдагига нисбатан 9 фоизга кўпдир. Масалан, Осиё — Тинч океани минтақасида 21 фоизлик ўсишга эришилган. Биргина Хитой киносоноати 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорига фойда кўрган.

Вертолёт ҳалокати

Жанубий Кореянинг Чеджудо ороли яқинида соҳилни қўриқлаш хизматига қарашли вертолёт ҳалокатга учради.

Бу ҳақда «Ренхал» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Бахтсиз ҳодиса юз берган пайтда ҳаво транспорт-тида беш киши бўлган. Улардан бири ҳаётдан қўз юмган, қолганлари эса бедарак йўқолган. Воқеа сабаблари ҳозирча маълум эмас.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЗАВОД ТЕМЗ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А. Предназначен для строительства высотных зданий при возведении жилых и гражданских объектов. Товар сертифицирован. Гарантия 12 месяцев.

АВТОКРАНЫ. Для производства монтажных и ремонтных работ в условиях города на реконструируемых объектах. КС-3577 на базе шасси МАЗ. КС-4574-1 на базе шасси КАМАЗ. КС-55724 на базе шасси КАМАЗ.

АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВОЗАПРАВЩИКИ. Объемом 6м³ и 12м³ на шасси МАН, КАМАЗ, МАЗ. Под заказ.

КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др. Таблицы характеристик моделей.

«Республика» қўнамас мўлк бироғи «ЕАЖ»нинг худудий виллоят филиаллари


Савдода ижобий ўсиш. Республика қўнамас мўлк бироғи «ЕАЖ»нинг худудий виллоят филиаллари. 1. ПМС Андриян Валовга филиалнинг худудий виллоятлари... 2. ПМС Наманган Валовга филиалнинг худудий виллоятлари...

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР. ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРКОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ «КЧМ» ЧЎЯН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ. Табиий газ, қуруқ ва суюқ ёниқда ишлайдиган, Россия ва Европа стандартлари талабига мос. ФИК 79% дан 90% гача. Шуниингдек: КАФЕЛЬ (девор ва пол учун) САНТЕХНИКА (катта ҳажмда унитаз ва умывальниклар) ЧЎЯН ВАННА ВА ДУШ ПОДДОНЛАРИ. Тел./факс: 267-35-73.

Россия линолеуми. Тел.: 234-48-11. Факс: 234-49-58. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси етакчи илмий ходим, фалсафа фанлари доктори, профессор Расулжон НОСИРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради.

Газета ва газетхон:

ЮЗМА-ЮЗ



— Олий ўқув юртини тамомлаб, Муддатли ҳарбий хизматда борганларга аскарлик даврида бирор бир ҳарбий унвон бериладими? Ж. МУТТАХАРОВ. Асака шаҳри

Ҳарбийлик шараф

— Муддатли ҳарбий хизматга қақчилган ва кўшинларга юборилган фуқаролар (шу жумладан, олий маълумотлилар)га ҳарбий қисм шахсий таркиби рўйхатига киритиш билан бир вақтда "оддий аскар" ҳарбий унвони берилади. "Кичик сержант" ҳарбий унвони сержантлар тайёрлаш мактабини тааллуқли ўқув дастури бўйича битирган шарт-

нома бўйича ҳарбий хизматчиларга берилади. "Лейтенант" ҳарбий унвони олий ўқув муассасаларининг ўқув бўлимларида ҳарбий тайёргарликни, ҳарбий йиғинларни ўтаган ва белгиланган давлат имтиҳонларини топширган фуқароларга берилади. Б. МАҲМУДОВ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи.

— "Тошкент" халқаро аэропортидаги автомобиллар тўхташ жойида электрон ҳисоблагич ўрнатилган. У автоуловининг ушбу ҳудудда турган ҳар бир соати учун ҳисоб-китоб қилиб, сизга яқиний тўловни белгилаб беради. Яқинда машинамни шу жойга қўйдим. Бир соату 10 дақиқадан сўнг автомобилимни олиб чиқиб кетиш учун тўлов жойига бордим. Мендан икки соат учун пул ундирилди. Тўхташ жойи масъул

Ўн дақиқа бир соат эмас-ку?!

— Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 апрелдаги 63-сонли "Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар учун автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар учун автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар томонидан белги-

ҳодимига "Нега иккинчи соат учун ҳам тўлиқ сумма олаёйсизлар?" дея эътироз билдирсам, "Буни аппарат ҳисоблайди, кейинги соатга бир дақиқа ўтган тақдирда ҳам бир соат учун тўлашингиз лозим", деган жавобни берди. Айтинг-чи, бу истемолчи ҳуқуқлари бузилишига қирмайдими? М. МИРФОЗИЛОВ. Чилонзор тумани

Алмаштириш муддати қачонгача?

— Автомототранспорт воситалари миллий давлат рақами белгиларининг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг электрон тизими билан бирга олиб бориш, шунингдек, уларни қалбақлаштириш ва улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида, 2007 йил 27 июнда Вазирлар Маҳкамасининг "Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинган. Унга асосан, 2009 йилнинг 2-чорагидан бошлаб 2011 йилнинг 1 январига қадар янгидан рўйхатдан ўтказилаётган ва қайта рўйхатдан ўтказилаётган, шунингдек, фойдаланилаётган барча автоматотранспорт воситалари учун янги рақам белгилари мажбурий

— Мамлакатимизда автомобилларга янги тартиб ва кўринишдаги давлат рақами белгилари берилаётганидан кўпчилигимиз хабардормиз. Хўш, унинг аввалгисидан фарқи нимада ва эски рақам белгиларини алмаштириш қачон ниҳоясига етказилади? А. УБАЙДУЛЛАЕВ. Янгиқўрғон тумани

Алмаштириш муддати қачонгача?

— Автомототранспорт воситалари миллий давлат рақами белгиларининг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг электрон тизими билан бирга олиб бориш, шунингдек, уларни қалбақлаштириш ва улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида, 2007 йил 27 июнда Вазирлар Маҳкамасининг "Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинган. Унга асосан, 2009 йилнинг 2-чорагидан бошлаб 2011 йилнинг 1 январига қадар янгидан рўйхатдан ўтказилаётган ва қайта рўйхатдан ўтказилаётган, шунингдек, фойдаланилаётган барча автоматотранспорт воситалари учун янги рақам белгилари мажбурий

— Автомототранспорт воситалари миллий давлат рақами белгиларининг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг электрон тизими билан бирга олиб бориш, шунингдек, уларни қалбақлаштириш ва улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида, 2007 йил 27 июнда Вазирлар Маҳкамасининг "Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинган. Унга асосан, 2009 йилнинг 2-чорагидан бошлаб 2011 йилнинг 1 январига қадар янгидан рўйхатдан ўтказилаётган ва қайта рўйхатдан ўтказилаётган, шунингдек, фойдаланилаётган барча автоматотранспорт воситалари учун янги рақам белгилари мажбурий

— Автомототранспорт воситалари миллий давлат рақами белгиларининг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг электрон тизими билан бирга олиб бориш, шунингдек, уларни қалбақлаштириш ва улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида, 2007 йил 27 июнда Вазирлар Маҳкамасининг "Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинган. Унга асосан, 2009 йилнинг 2-чорагидан бошлаб 2011 йилнинг 1 январига қадар янгидан рўйхатдан ўтказилаётган ва қайта рўйхатдан ўтказилаётган, шунингдек, фойдаланилаётган барча автоматотранспорт воситалари учун янги рақам белгилари мажбурий

— Автомототранспорт воситалари миллий давлат рақами белгиларининг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг электрон тизими билан бирга олиб бориш, шунингдек, уларни қалбақлаштириш ва улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида, 2007 йил 27 июнда Вазирлар Маҳкамасининг "Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинган. Унга асосан, 2009 йилнинг 2-чорагидан бошлаб 2011 йилнинг 1 январига қадар янгидан рўйхатдан ўтказилаётган ва қайта рўйхатдан ўтказилаётган, шунингдек, фойдаланилаётган барча автоматотранспорт воситалари учун янги рақам белгилари мажбурий



ҲАР БИРИГА АЛОҲИДА ТЎЛАНАДИ

— Яқка тартибдаги тадбиркорман. Асосий фаолиятимдан ташқари қўшимча равишда бошқа фаолият тури билан шуғуллансам, қандай солиқ тўлайман? Соҳиб УМАРОВ. Жиззах тумани

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига асосан, фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар қатъий белгиланган солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун мажбурий равишда тўлаётган. О. РУСТАМОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари.

ПЛАСТИК КАРТОЧКА ВА КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАР

— Яқинларим, масалан, турмуш ўртоғим менинг пластик қарточкам билан банк кассаларидаги терминаллар орқали коммунал тўловларни амалга ошириши мумкинми? Б. ХУДОЁРОВ. Хўжайли тумани

— Ўзбекистон Республикаси Давлат вазирлиги томонидан 2004 йил 30 апрелда рўйхатга олинган "Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида Низом"нинг 7-бандига мувофиқ, банк карталаридан бошқа шахслар (оила авзолари, дўстлар ва бошқалар) фақат қарточка эгасининг ишонч хати асосида фойдаланиши мумкин. Демак, ишонч хати ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат орқалигина ўзганинг пластик қарточкаси билан савдосотиқ ёки бошқа турдаги тўловларни амалга ошириши мумкин. Н. ЕШАНОВ, «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи.



Дунё кезаётган маркалар

— Мамлакатимизда биринчи почта маркаси ўзбек халқининг истеъдодли шоираси Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига бағишлаб 1992 йилда чиқарилган эди. Хозиргача эса филателистларнинг коллекцияси 925 турдаги марка билан бойиди. Демак, ҳар йили 15 — 20 туркумдаги почта ёрликлари тақдим этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, энг кўп — 133 туркумдаги почта маркаси Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги муносабати билан омма эътиборига ҳавола этилган эди. Махсус маркаларни тайёрлаш жараёни 1 — 1,5 йилни ўз ичига олади. Масалан, Истиқлолимизнинг 20 йиллигига бағишланган маркаларни тайёрлаш алақачон бошланиб кетган. Маркаларда болалар ижодиётидан ҳам намуналар ўрин олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, "Дунё болалар нигоҳида" мавзuida ўтказилган танловда 1,5 мингга яқин бола қатнашди ва уларнинг орасидан олтига энг яхши иш танлаб олинди, маркаларга туширилди. Жорий йилда "Кушлар — бизнинг дўстимиз" танловини ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Маркаларни "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг уч мингдан ортиқ шохбосчаси, пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган дукон ҳамда республикамизнинг бошқа ҳудудларида жойлашган тўққизта махсус киоскадан олиш мумкин. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг сайтида ҳам интернет-дукон ташкил этилган. Т. БАЖАНОВА, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг «Ўзбекистон маркаси» ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи.

Дунё кезаётган маркалар

— Мамлакатимизда биринчи почта маркаси ўзбек халқининг истеъдодли шоираси Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига бағишлаб 1992 йилда чиқарилган эди. Хозиргача эса филателистларнинг коллекцияси 925 турдаги марка билан бойиди. Демак, ҳар йили 15 — 20 туркумдаги почта ёрликлари тақдим этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, энг кўп — 133 туркумдаги почта маркаси Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги муносабати билан омма эътиборига ҳавола этилган эди. Махсус маркаларни тайёрлаш жараёни 1 — 1,5 йилни ўз ичига олади. Масалан, Истиқлолимизнинг 20 йиллигига бағишланган маркаларни тайёрлаш алақачон бошланиб кетган. Маркаларда болалар ижодиётидан ҳам намуналар ўрин олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, "Дунё болалар нигоҳида" мавзuida ўтказилган танловда 1,5 мингга яқин бола қатнашди ва уларнинг орасидан олтига энг яхши иш танлаб олинди, маркаларга туширилди. Жорий йилда "Кушлар — бизнинг дўстимиз" танловини ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Маркаларни "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг уч мингдан ортиқ шохбосчаси, пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган дукон ҳамда республикамизнинг бошқа ҳудудларида жойлашган тўққизта махсус киоскадан олиш мумкин. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг сайтида ҳам интернет-дукон ташкил этилган. Т. БАЖАНОВА, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг «Ўзбекистон маркаси» ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи.



— Соғлиғим ёмонлиги учун Нурота тиббиёт бирлашмасида рўйхатда тураман. Шунингдек, менга II гуруҳ ногирони, деган маълумотнома ҳам берилган. Лекин иш стажим йўқлиги туфайли туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари менга нафақа тайинлашмаяпти. Менга ўхшаганларга бирор бир имтиёз кўзда тутилганми? Қ. АТОЕВА. Нурота шаҳри, У. Нурмуродов кўчаси

Иш стажисиз пенсия тайинланадими?

— Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни 1-моддаси тўртинчи хатбосида "Иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари ушбу Қонунга биноан давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Уларнинг ижтимоий таъминлаши тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўяди", деб кўрсатиб ўтилган. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сонли қарори билан тасдиқланган "Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қария-



— Автомототранспорт воситалари миллий давлат рақами белгиларининг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг электрон тизими билан бирга олиб бориш, шунингдек, уларни қалбақлаштириш ва улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида, 2007 йил 27 июнда Вазирлар Маҳкамасининг "Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинган. Унга асосан, 2009 йилнинг 2-чорагидан бошлаб 2011 йилнинг 1 январига қадар янгидан рўйхатдан ўтказилаётган ва қайта рўйхатдан ўтказилаётган, шунингдек, фойдаланилаётган барча автоматотранспорт воситалари учун янги рақам белгилари мажбурий

Boш муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 203. 77262 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

— 49 ёшдаман. Турмуш ўртоғим вафот этган. Вояга етмаган қизим билан бирга яшаймиз. Мен бола асраб олишим мумкинми? Баъзи дугоналарим боқувчиси бўлмаганларга бола берилмайди, дейишяпти. Мен ишлайман-ку. Кимга мурожаат қилишим керак? М. БОТИРОВА. Янгиер шаҳри

Фарзанд тарбияси — масъулиятли вазифа

— Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган "Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг аризасига ва вазийлик ҳамда ҳимийлик органлари тавсиясига кўра, туман, шаҳар ҳокими қарори

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси